O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 14 июнь, № 115 (4268) Пайшанба

## ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН ИСТЕЪДОД

*Унинг исм-шарифи* ***Гулруҳ ШОКИРОВА.*** *Тошкентда туғилиб, вояга етган. Табиат бу қизнинг вужудига ажиб истеъдод ато этган эканки, айни пайтда у дунёнинг манаман деган мамлакатларида бўлиб, ном қозонмоқда.* ***Мустақил Ўзбекистон****нинг истеъдодли фарзандлари кўп эканлиги исботланмоқда.*




***Яқинда интернет орқали бир янгиликни ўқиб қолдик. Олимлар юрак хасталигини даволашнинг антиқа йўлини топишибди. Ушбу хабарга кўра, бундай беморлар учун ҳар куни икки-уч соат анҳор ёки дарё бўйида, умуман, сув шилдираши эшитиладиган жойда ўтириш даво бўлар экан. Сув овози юракка кони фойда экан. Бу энди, бир гап, ишониш ҳам, ишонмаслик ҳам ҳар кимнинг инон-ихтиёрида. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, яхши куй, дилбар садонинг ҳам инсон руҳиятига таъсири беқиёс. Дилтортар мусиқа, асл ашула не-не дардлардан халос этмаган дейсиз. Бугун биз мусиқа аталмиш сеҳрли оламда ўз сўзини айтишга чоғланган истеъдодли ҳамюртимиз ҳақида гапирмоқчимиз.***

Гулруҳ хорижда бўлиб, шунчаки, номигагина чиқиш қилаётгани йўқ, балки ўз истеъдоди билан бир неча бор хорижлик мутахассисларни қойил қолдириб келмоқда.

— Юртимиз азал-азалдан истеъдодлар макони бўлган, — дейди Гулруҳнинг отаси Толибхек Шокиров. — Баъзан эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида кўплаб иқтидор эгаларининг кучи "ўтин ёришга" сарфланган. Бугун эса ҳеч иккиланмасдан айтаманки, агар мустақилликка эришмаганимизда Гулруҳдек қобилиятли фарзандларимизнинг орзуси рўёбга чиқмасди.

Ҳа, шундай. Истиқлол Гулруҳга ўхшаган минглаб истеъдодларни кашф қилиб, уларни асраб-авайлаб, жаҳонга кўз-кўз этмоқда. Энг муҳими, бугунги ёшларимиз истеъдоднинг меҳнатсиз рўёбга чиқмаслигини ҳам яхши билишади. Шу маънода, Гулруҳда ноёб қобилият билан бирга меҳнатдан қочмаслик фазилати мужассам. Буни унинг илк устози, Ўзбекистон халқ артисти, узоқ йиллар Ботир Зокиров билан ҳамкору ҳамнафасликда ишлаган бастакор Икром Акбаровдан тортиб, Ўзбекистон давлат консерваториясида таълим берган мураббийлари ҳам бирдек эътироф этишади. Ахир, фортепьяно олдида соатлаб ўтириш, эринмай меҳнат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

(Давоми 4-бетда).




***Ғурурли, маънавиятли инсон, энг аввало, она Ватани, она Замини, азиз оиласи, меҳрибон ота-онаси, ширин-шакар фарзандлари, қадрли қариндош-уруғлари-ю қўни-қўшнилари, ўз халқи, ўз мамлакати учун яшайди, меҳнат қилади, моддий ва маънавий бойликлар яратади.***

***Агар мен спортчи бўлганимда Руслан Чагаев каби Ватаним байроғини юксакликка кўтарган бўлардим. Мабодо шахматчи бўлганимда Рустам Қосимжонов сингари Ўзбекистон номини оламга таратиш учун бутун куч-ғайратимни сарфлардим.***

*Айтгил дўстим, нима қилдинг, Ватан учун?!*

## ҒУРУРНИНГ ҚЎШҚАНОТИ

Менга шу озод юрт фарзанди сифатида фермер бўлиш насиб этди. Бу ҳам ажойиб имконият. Шу маънода кўнглимда савол туғилади: хўш, мустақил мамлакатнинг бир фермери сифатида Ватан учун нима қилдим?

2006 йили давлатга 80 тонна пахта етиштириш керак эди. 177 тонна пахта топширдим. Контрактация шартномасини 231 фоизга бажардим. 140 тонна ўрнига 175 тонна буғдой топширдим. Бундан ташқари аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга давлат буюртмасидан холи ҳолда 1,2 тонна ноёб беда уруғи, 30 тонна оқ жўхори, 90 тонна полиз маҳсулотлари, 15 тонна узум, 10 тонна мол гўшти, 55 дона қоракўл тери, ҳатто 10 тонна балиқ сотдим. Соф фойда 342 миллион сўмга етди. Бу кўрсаткич битта фермер хўжалиги учун оз эмаслигини қишлоқ мулкдори мақомини олганлар яхши билишади. Аммо битта пахта ёки бир буғдой билан бу қадар юқори натижага эришиб бўлмаслигини ҳамма ҳам англайвермайди.

Мен Ватан учун яна нима қилишим мумкин? Фақат экиш, пахта ва буғдой олиш билан чекланган фермер бугунги куннинг талабини тугал англаб етган эмас. Мақтанчоқлик қиляпти деб ҳисобламангу бизнинг фермер хўжалигимизда 31 та ишлаб чиқариш воситаси бор. 9 та трактор, 2 та комбайн, 4 та автомашина, 2 та тегирмон, ҳатто новвойхона ҳам бор. Қолаверса, мен Ватан учун, ўзим истиқомат қиладиган «Отакўл» овул фуқаролар йиғини аҳли учун яна бир иш қилдим: 2007 йили 282 гектарлик еримни 469 гектарга етказдим. «Сенга шунча ташвиш оз эдими? Бошингга яна ғалва сотиб олдингми?» дейишлари мумкин. Мен бундай гапларга парво қилмайман. Чунки ғururим бор. Ғуруримнинг қўшқаноти бор. Биринчи қаноти — ўн олти йил давомида халқим яратган маънавий қадриятлар, энг бош қадриятимиз, Аллоҳ берган бош неъмат — Мустақиллик, маънавий бойликларимиз. Иккинчи қаноти — менга ўхшаган минглаб мулкдорлар яратаётган, Ватаннинг белини бақувват қиладиган моддий бойликлар. Шу икки қанот билан озод Ватанимиз буюк келажакка ишонч билан парвоз қилади. Бу парвозда менинг, мамлакатнинг энг шимолий минтақасида меҳнат қилаётган оддий фермернинг, мен билан елкама-елка тер тўкаётган азиз инсонларнинг ҳам улуши бўлади!

**Сарсенбой СЕЙИТНАЗАРОВ,**
**Тахтакўпир туманидаги фермер хўжалиги раҳбари.**

## МАШРИҚЗАМИН МАЛИКАСИ

***Бугун ўзбекистонлик хотин-қизлар барча соҳалар қатори спортда ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Йилдан-йилга жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинларида муваффақият қозонган совриндор аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда.***



Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Шарқ якка курашлари ва жанг санъати маркази, Миллий телерадиокомпания ташаббуси билан ташкиллаштирилган "Машриқзамин маликаси — 2007" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда шарқ яккакурашлари бўйича юқори натижаларга эришган қизларимиз спортдагина эмас, балки пазандалик, намунали оила бекаси каби жами еттита шарт бўйича мусобақалашдилар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан "Машриқзамин маликаси — 2007" танловининг олий соврини — Гран прига таэквондо бўйича тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати совриндори Дилобар Сайдуллаева муносиб, деб топилди. Биринчи ўрин спорт устаси Юлия Сафинага насиб этди. Шунингдек, яна бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***12-13 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ж.Акрамов маъруза қилди. Маърузачи қонун лойиҳаси автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилганлигини таъкидлади. Лойиҳада автомобиль йўлларининг таснифи берилган, автомобиль йўлларининг бажарадиган вазифаси, параметрлари ва йўл ҳаракати шароитларига кўра улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, автомобиль йўлларини тасарруф қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган. Мазкур ҳужжат қабул қилингач, ижро қилувчи органлар транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг пухта ҳуқуқий базасига эга бўладилар, бу эса мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашади.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Автомобиль йўлларини аниқ таснифлаш, уларни қуриш учун ер участкалари бериш, бу соҳадаги бошқарув ва турли органларнинг ваколатларини белгилаш, автомобиль йўлларини молиялаштириш, қуриш ва сақлаш масалаларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши автомобиль йўлларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга молик эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга депутатлар ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида баён этилган таклифлар ҳисобга олинганидан кейин уни қайта иккинчи ўқишда кўриб чиқишга қарор қилди.

**(ЎзА).**

# *Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

OZBEKISTON UNIVERSIADASI

## УМИД ВА ИШОНЧ УСТУВОР

***Мамлакат талаба ёшларининг катта спорт анжумани — «Универсиада — 2007» мусобақалари бошланишига саноқли кунлар қолди.***

Наманганлик йигит-қизлар ҳам мазкур мусобақаларга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Бухоро ва Самарқанддаги Универсиада ўйинларида учинчи ўрин билан кифояланган вилоят спортчи ёшларининг пойтахтда ўтказиладиган баҳслардан умиди катта. Минглаб даъвогарлар ичидан саралаб олинган 139 талабанинг кўпчилиги аллақачон мамлакат ва халқаро тоифадаги мусобақаларда ўзларини кўрсатишга улгуришди. Масалан, куни кеча вилоятнинг курашчи йигитлар терма жамоаси Фарғонанинг Водил қишлоғида ўтказилган республика биринчилигида иккита олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритиб, ғалабага бўлган иштиёқни ҳозирданоқ исботлашди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



***Юртимизда ахборот технологиялари ва коммуникация соҳаси жадал ривожланмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги йўналишлари жорий этилмоқда.***

## Уяли телефон орқали тўлов

Хусусан, коммуникация хизматлари учун тўловлар қабул қилиш ва уни хизмат кўрсатувчи ташкилотга етказиш билан шуғулланувчи Пайнет компанияси уяли алоқа тизими абонентларига анча қулайлик яратди. Компания республикамиздаги қарийб бир йиллик фаолияти давомида ўз хизмат турларини такомиллаштириб борди. Эндиликда мижозлар учун янада янги технология — уяли телефон орқали тўлов қабул қилиш йўлга қўйилди.

Миллий матбуот марказида мазкур технологиянинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ундан фойдаланиш йўриқлари ва афзалликлари кенг жамоатчиликка таништирилди.

**А. САМАДОВ.**

## АҚЧАКЎЛ СОҲИЛИДАГИ ОРОМГОҲ

***Ақчакўл соҳилидаги «Орол болалари» соғломлаштириш марказида 250 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда.***

— Оромгоҳимизда ҳар йили Қорақалпоғистоннинг асосан шимолий туманларидан келган болалар дам олмоқда, — дейди марказнинг бош етакчиси Мирзагул Асанова. — Унда яратилган барча шарт-шароит, ўтказилаётган турли тадбирлар болаларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишга қаратилган.

Марказда ҳозир Қораўзак, Қанликўл, Нукус, Қўнғирот ва Амударё туманлари, Нукус ҳамда Тахиатош шаҳарларидан келган ўқувчилар дам олаётир.

— Ўтган ёзда ҳам шу ерда дам олган эдим, — дейди тахиатошлик Бегинч Аширгелдиев. — Ҳозир биз, Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларидан келган турли миллат ва элатга мансуб болалар бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаяпмиз. Турли тилларда қўшиқлар куйлаб, рақслар ижро этяпмиз. Бундай тадбирлар бўш вақтимизни мазмунли ўтказишга ёрдам бераётир.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2007 йилнинг январь-май ойларида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми



**144** фоиз ўсди

***Ўтган даврда Тошкент, Чирчиқ, Хива, Гурлан шаҳарлари, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Бухоро вилоятининг Ромитан, Наманган вилоятининг Поп, Андижон вилоятининг Олтинкўл туманларида ўнта янги корхона ишга туширилгани, мавжудлари модернизация қилингани, шунингдек, ички имкониятлардан унумли фойдаланилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.***

Сўнгги соатда

## Қуръа ташланди

Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳи Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида "Пекин—2008" Олимпиада ўйинларининг футбол мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган саралаш ўйинларининг сўнгги – учинчи босқичига қуръа ташлаш маросими бўлди.

Унга кўра, дастлабки икки босқичдан муваффақиятли ўтган қитъамизнинг энг кучли ўн иккита Олимпия терма жамоаси уч гуруҳга бўлинди.

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси

*«В» гуруҳида Жанубий Корея, Баҳрайн ҳамда Сурия футболчилари билан баҳс юритади.*

*Шунингдек,*

*«А» гуруҳидан Австралия, Корея Халқ Демократик Республикаси, Ливан ва Ироқ Олимпия терма жамоалари жой олган.*

*«С» гуруҳида Япония, Вьетнам, Саудия Арабистони ва Қатар футболчилари Олимпиада йўлланмаси учун курашади.*

Мусобақалар 22 августдан 21 ноябргача уй-сафар тизимида ўтказилади.

**Ўз гуруҳида биринчи ўринни олган терма жамоалар Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.**

**Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Болалар қонун ҳимоясида

***Навоий вилоят адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатланиши мавзуида анжуман бўлиб ўтди.***

■ Бугунги кунда мамлакатимизда болалар ҳимоясига қаратилган 90 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бундан ташқари, сўнгги йилларда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни тарбиялашга йўналтирилган бир қатор дастурлар ҳам ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Конференцияда болалар бандлиги ва нотинч оилаларда фарзандлар тарбияси борасида муаммолар мавжудлиги, ота-оналар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи долзарблигича қолаётганлиги таъкидланди.

## Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

***Ангренда бўш ётган ерларни тадбиркорлар кўмагида ўзлаштириб, боғ-роғлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш анъанага айланиб бормоқда.***

■ Чунончи, яқинда тоғ ёнбағрида жойлашган Дукент қишлоғида яшовчи бир гуруҳ отахонлар 1,5 гектарлик тошлоқ майдонни ўн турдан ортиқ мевали дарахтлар ўсаётган кўркам гўшага айлантиришди. Келгусида унинг рўпарасида фахрийлар чойхонаси тиклашни мўлжалламоқдалар.



Қариялардан ўрнак олган Нуробод шаҳарчаси аҳли эса ўзаро маслаҳатлашиб, Мустақиллик байрамигача ўзига хос совға ҳозирлашга аҳд қилдилар. Аниқроғи, улар ҳашар йўли билан болалар спорт майдончаси ҳамда ёзги сузиш ҳавзаси барпо этишга киришдилар.

## Маҳсулот тури кўпаймоқда

***Хатирчи туманидаги "Зарланиндустрия" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури тобора кўпаймоқда. Эндиликда буюртмачиларга саккиз хилдаги гранит ва мармар плиталари етказиб берилмоқда.***

■ Бу ерда Лангар, Кўксарой ва Нурота конларидан қазиб олинаётган харсангтошлар замонавий технология асосида қайта ишланади. Маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга.

— Гранит плиталарини Россия ва Қозоғистонга экспорт қиляпмиз, — дейди корхона раҳбари Мамадали Абдусаломов. — Ўтган йили ишлаб чиқарилган 35 минг квадрат метр плитанинг бир қисмини мамлакатимиз қурилиш ташкилотларига, қолганини чет эллик буюртмачиларга етказиб бердик.

Жорий йилда корхонада 60 минг квадрат метр плита тайёрлаш режалаштирилган. Маҳсулот ҳажми ошгани боис, иш ўринлари ҳам кенгаймоқда. Айни пайтда корхонада саксон киши меҳнат қиляпти.

## Қумқўрғонда шифер цехи

**■ «Сурхон» комбинати очиқ ҳиссадорлик жамияти томонидан Кумқўрғонда кунига 600 та шифер ишлаб чиқариш қувватига эга цех қуриб ишга туширилди. Ушбу технология Хитойдан олиб келинган.**



**— Биз тайёрлайдиган шифернинг нархи бозорникидан олтмиш фоизга арзон бўлади, — дейди жамият раиси Қорахон Турсунов. — Асосий эътибор, албатта, маҳсулотнинг сифатига қаратилади.**

**Цех ишга тушиши туфайли бу ерда қўшимча иш ўринлари яратилди.**

## Ғолиблар Тошкентга боради

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган анъанавий «Ниҳол» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.***

■ Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтган танловда йигирмага яқин ҳаваскор белгиланган йўналишлар бўйича ўз истеъдодини намойиш этди.

Мумтоз қўшиқчилик ва мусиқа йўналишида Китоб туманидан Шуҳрат Раҳмонов ва Саъдулла Бадалов, рақс, эстрада ва опера йўналишларида Қарши шаҳри вакиллари Насиба Худойбердиева, Лазизбек Қиличев ҳамда Жаҳонгир Турсуновнинг ижро маҳорати юқори баҳоланди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.



***Хивада «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиали томонидан чиқарилган янги 12 та почта маркасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

## Маркаларда тарихий обидалар

■ Уларда Хива, Бухоро, Қўқон ва Тошкент шаҳарларининг қадимий обидалари акс эттирилган.

Ушбу маркалар тўрт қисмдан иборат бўлиб, Хива тарихий ёдгорликларига бағишланган тўпламдан Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, «Қўшадарвоза» ва Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари жой олган.

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***



# АМУДАРЁ СУВИ ҚУМДАН ТОЗАЛАНАДИ

**Амударёнинг суви ниҳоятда лойқа, устига-устак, унинг таркибида қумқайроқ ясаладиган майда заррачалар кўп бўлгани учун пўлат қувурлар йил сайин емирилмоқда. Уларни таъмирлаш мақсадларига сарфланадиган 500 миллион сўм маблағ эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини ошириб юбораётир. Хўш, нима қилмоқ керак?**

**Б**ирдан-бир оқилона йўл — насосларнинг «умри»ни узайтириш лозим. Бунинг учун дарёдан келаётган лойқа сув махсус ҳавзаларда тиндирилгач, у насослар ёрдамида канал ўзанига ташланиши керак.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили вегетация мавсумида Аму-Занг каналидан 1 млрд. 200 млн. куб метр сув оқади. Май-июнь ойларида дарёнинг лойқаланиш даражаси ортиб, бир куб метр сув таркибида 7 килограммгача лойқа ҳосил бўлади. Йилнинг бошқа ойларида эса бу кўрсаткич 2 килограммни ташкил этади. Унинг 38 фоизи йирик қум заррачаларидир. Агар 1 млрд. 200 млн. куб метр сув таркибидаги лойқа чўкиндиси 2 млн. 400 минг куб метр бўлиши ҳисобга олинса, йирик заррачалар ҳажми 775000 куб метрга етади. Мабодо сув махсус ҳавзаларда тиндирилса, ана шу чўкиндининг 720000 куб метри чўкиб қоларкан. Шу мақсадда ҳозирги кунда «Тўпаланг ГЭС қурилиш» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Аму-Занг объекти» корхонаси жамоаси дарё ўзанига параллел равишда узунлиги 1668 метр, эни 150 ва чуқурлиги 20 метр бўлган тиндиргич қурмоқда.

Шу ўринда «Тиндиргичнинг 20 метр чуқурликдаги сатҳига чўккан чўкинди уни тўлдириб юбормайдими?» деган табиий савол туғилиши аниқ. Ҳақиқатан ҳам, бир мавсумда тиндиргичда 2939600 куб метр тупроқ йиғилиб, унинг учдан бир қисмини эгаллайди. Бу ҳам ҳисобга олинган. Яъни, бунда «Қумотар» деб номланувчи бир жуфт агрегат ишга солинади. Улар махсус темир излар орқали тиндиргич ўзани бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юриб, ўткир пичоқли пайпаслагичлар воситасида чўкиндини қўзғатиб, сўриб олади-да, спиралсимон қувурлар ёрдамида Амударёга оқизиб юборади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, мазкур тиндиргичнинг дастлабки 250-300 метрида оқим тезлиги юқори бўлганлиги боис, йирикроқ заррачалойқадан чўкинди ҳосил бўлмайди. Шунинг учун «Қумотар»лар 1200 метр масофада ҳаракат қилиб, чўкиндини доимий равишда тозалаб туради. Тиндиргичда «Қумотар»ларни ўрнатиш ишларини тендерда ғолиб чиққан хитойлик қурувчилар амалга оширдилар.

### Тараққиёт омили

Аму-Занг каналини комплекс таъмирлаш лойиҳасининг умумий қиймати 112,6 млн. АҚШ долларига тенг. Шундан 73,2 млн. доллари Осиё Тараққиёт банкининг кредити бўлса, 36,9 млн. доллари мамлакатимиз бюджети ҳиссасига тўғри келади.

Тиндиргич объекти қурилишига эса Нурали Холиқов раҳбарлик қилмоқда. Илк учрашувдаёқ бу йигит билан қадрдон бўлиб қолдик. Енги калта кўк катак кўйлагининг елкалари офтобда куйиб, сарғимтир-оқиш тусга кирган, юз-қўллари жануб қуёшида чўяндек тобланган, чайир, зуваласи пишиқ. Сочлари мош-гуруч тусда, қисқа тузалган мўйлови оқарган, лекин ўзига ярашган. Кўзлари маънoли, ҳуда-беҳудага кўкрагига муштлаб ўзини мақтамайди. Ориятли.

Тиндиргичнинг «ПК0+20» ва «ПК6+00» деб белги қўйилган участкаларида иш қизғин давом этяпти. «ЭКГ-5А» русумли экскаваторлар «БелАЗ», «КамАЗ», «МАЗ» русумли ағдарма машиналарга пешма-пеш тупроқ ва қум ортиб беряпти. Юкли машиналар эса Амударё соҳили бўйлаб юқорига ўрмалаб, сўнгра нишабликка тушиб кетаётир.

— Ўзан чуқурлиги денгиз сатҳидан пасайса, сизиб чиқаётган сувларни насослар ёрдамида ташқарига чиқариб юбориш лозим бўлади, — дея изоҳ берди суҳбатдошим. — Ўшанда оғирлиги юз тоннага яқин бўлган «ЭКГ-5А» экскаватори темир тўшама устида ҳаракат қилади.

Тиндиргич қурилиши шартли равишда учта «ярус»га бўлинган. Йил охиригача биринчи ва иккинчи «ярус»лардан 1 млн. 925 минг куб метр ҳажмда тупроқ қазиб чиқарилади. Келаси йили яна бир миллион куб метрдан кўпроқ тупроқ қазиб олинади.

Бундан ташқари, «Қумотар»лар ўз изида бемалол ҳаракат қилиши учун 3 километр масофага юқори кучланишли (10 кВ) кабель тортилиб, ерга кўмилади. Бу ишни ҳам биз амалга оширамиз. Аниқроғи, тўрт жойга жами йигирма олти дона қозиқоёқ ўрнатилади. Ҳар бири темир-бетондан ясалиб, узунлиги 18 метр, эни 40x40 сантиметр бўлади. Улар дарё қирғоқларига махсус механизмлар ёрдамида қоқилиб, устига плиталар ётқизилади. Плиталар устидаги «Қумотар»ларнинг диаметри 50 сантиметрлик тўртта қувури орқали эса лойқа-чўкинди дарёга ташлаб юборилади. Қозиқоёқлар Қумқўрғондаги «Сурхон» заводида тайёрланяпти.

Бу ишларнинг ҳаммаси 2009 йилнинг февраль ойида ниҳоясига етказилади. Шунда воҳанинг жанубий туманларидаги экин майдонлари зангдан тозаланган сифатли сув билан суғорилади. Бу, ўз навбатида, Сурхондарёда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш, уларнинг таннархини янада арзонлаштириш имконини беради. Бу дегани — деҳқонлар тобора кўпроқ фойда кўрадилар, уларнинг ҳаёти эса тағин-да фаровонлашади.

**Набижон БОҚИЙ.**
Тошкент-Термиз-Тошкент.



# «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»

*Тошкентда бошланган ватанпарварлик, экология, санъат ва спорт йўналишидаги ёшлар фестивали шундай деб номланган. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган олтмиш нафарга яқин имконияти чекланган болалар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этмоқда. Тадбир тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилди*

*Бугун ниҳоясига етадиган анжуман доирасида ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро куч синашадилар, маданий дастурларда қатнашадилар, шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар. Тадбир "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзуида иншолар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими билан якунланади.*

**СУРАТДА: анжуман қатнашчиларининг бир гуруҳи Мустақиллик майдонида.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА)**
**олган сурат.**

# ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ, ҲАФСАЛАЧИ?

***Қораўзак туманининг майдони 5,9 минг квадрат метр бўлиб, 44,5 минг аҳоли яшайди. Ўтган йили туман пахтакорлари 7370 тонна пахта топширган бўлса, ғаллакорлар 5885 тонна дон йиғиштириб олди. Албатта, бу ер ўз эгалари — фермерларга тақсимлаб берилгани самарасидир. Бироқ, барибир, туман йилни 2 миллиард 241 миллион сўм дотация билан якунлади.***

**Х**ўш, ана шу молиявий ҳолатдан олиб чиқишнинг йўллари борми? Бу борада қайси соҳа таянч бўлиши мумкин?

Мутахассисларнинг фикрича, тобора ривожланаётган аграр тармоқ билан бир қаторда, бой табиий имкониятлар эвазига тараққий этиши мумкин бўлган саноат мазкур вазифани бажара олади. Аммо Қораўзакда модернизация қилинган, рақобат асосига қурилган саноат корхонасининг ўзи борми?

Бугун туманда бор-йўғи биргина ғишт заводи ишлаб турибди. 2004 йилда бу ерда 442 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 980 минг донага етди. Шу йўсинда туман саноати солиштирма нархларда 349 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Яқин истиқболда ана шу кўрсаткични уч-тўрт бараварга кўпайтириш талаб этилади. Бунга қандай қилиб эришиш мумкин?

### Таҳлил

Мутахассисларнинг фикрича, туманда саноатни сезиларли даражада ривожлантиришнинг икки омили бор: биринчиси — қишлоқ жойларда кичик ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш, маҳаллий хомашёдан сифатли, харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Агар якунланган йилда қишлоқ хўжалик корхоналарида 94 тонна гўшт, 21 тонна сут, 17,2 тонна жун, 854 дона қоракўл тери етиштирилганини ҳисобга олсак, қайд этилган вазифаларни бажариш учун имкониятлар етарли эканлиги аён бўлади. Афсуски, қишлоқларда бу арзон хомашёни қайта ишлайдиган кичик корхоналар йўқ. Мисол учун, «Бердақ» овул фуқаролар йиғинида 124 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, биттагина чоғроқ макарон цехи бор. Фақат шу билан 4690 нафар аҳолини иш билан банд қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Иккинчи омил бу — туманнинг бой ер ости ва ер усти хазиналаридан самарали фойдаланиш. Қораўзак ҳудудидаги «Тебинбулоқ» темир конининг аниқланганига бу йил 70 йил тўлади. Ундаги темир рудаси таркибига кўра, Уралдаги «Кочканар» кони хомашёси билан рақобатлаша олади. Аммо, бу ерда ҳамон «булоқнинг кўзи очилмаяпти». Туманда ушбу кон асосида ишлайдиган «Тебинбулоқ» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси таъсис этилганида ҳамма қувонган эди. Туман ҳокимлигида мутасаддиларга ушбу корхона тўғрисида савол берганимизда, улар:

— «Тебинбулоқ» қўшма корхонаси 2001 йилнинг 10 декабрида рўйхатдан ўтган. Лекин унинг Низом жамғармаси шаклланиши қийин кечаяпти, — дейишди.

Бундан ташқари, туманда захираси 1 миллион тоннадан ортиқ бебаҳо вермикулит кони бор. У энергетика ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун сув билан ҳаводек зарур.

Тўғри, ҳозир бу манба асосида «Қорақалпоқверми» корхонаси ва бошқа муассасалар иш олиб бормоқда. Аммо туман учун олдидан оққан сувнинг қадри бўлмаяпти.

**Г**ап табиий имкониятлар асосида Қораўзак саноатини ривожлантириш, пировардида уни обод, фаровон, фуқаролар турмушини янада бой, шаҳару қишлоқларни гўзал қилиш хусусида бораркан, кучли саноат тизимини яратмасдан туриб, бунга эришиш қийин бўлишини раҳбарлар чуқур англаб етадиган пайт келмадимикан?

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Савол беринг — жавоб берамиз

*Муштарийларимиз саволларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Беҳзод Болиев жавоб беради.*

# ИШЛАДИНГМИ — ҲАҚИНГНИ ОЛ

***— Тўланган алимент қандай ҳолларда қайтариб олинади?***

***Ўғилой САФОЕВА.***
***Қўшкўпир тумани.***

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 143-моддасига кўра, тўланган алиментни қайтариб олишга йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

алимент олувчи томонидан ёлғон маълумотлар бериш ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш оқибатида алимент ундириш тўғрисида чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

алимент олувчи томонидан алдаш, қўрқитиш ёки зўрлик таъсири остида тузилган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас, деб топилганда;

алимент тўланишига асос бўлган суднинг ҳал қилув қарори, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёки ижро варақаси қалбакилиги факти суд ҳукми билан аниқланганда.

Агар юқоридаги ҳаракатлар вояга етмаган боланинг ёки вояга етган муомалага лаёқатсиз алимент олувчининг вакили томонидан содир этилган бўлса, алимент қайтариб олинмайди, тўланган алимент суммалари эса, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг даъвосига кўра айбдор вакилдан ундирилади.

* * *

***— Лотереяга ютуқ чиққан эди. Мана, бир ой бўлдики, ютуқни берганлари йўқ. Шу тўғрими?***

***Ашурали НИЁЗОВ.***
***Кармана шаҳри.***

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 ноябрдаги 396-сонли қарори билан тасдиқланган "Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 19-банди, 3-қисмига кўра, сиз ўз ютуғингиз чиптасини тўловга тақдим этган санадан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида ютуқни олишингиз мумкин.

* * *

***— Корхонамиз ишчиси вахта усулида меҳнат қилади, яъни корхона ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан 1 кун ишлаб, 1 кун дам олади. Яқинда у 1 ой давомида даволанган кунлари учун корхонадан ҳақ беришни талаб қилди. Унинг талаби тўғрими?***

***Олим ТЎРАЕВ.***
***Асака шаҳри.***

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 ноябрда 1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Чекка ва ўта муҳим объектларда қурилиш-монтаж ишларини олиб боришнинг вахта усули тўғрисида"ги Низомнинг 7-бандига асосан, вахта усулида ишлаётган ходимнинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даври унга берилган дам олиш пайтига тўғри келса, унга ҳақ тўланмайди. Ҳақ унинг ишлаган соатларига қараб берилади.

Бундан кўриниб турибдики, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун ҳақ тўлаш ходимнинг фақат вахтада бўлган кунларига нисбатан мутаносиб равишда тўлаб борилади.

* * *

***— Мен 36 йил ишлаган корхона 1997 йилга келиб тугатилди. Менинг меҳнат дафтарчам ҳам йўқ, ишлаганимни тасдиқловчи бошқа маълумотлар эса архивдан топилмади. Иш стажимни қандай тасдиқлатсам бўлади?***

***Нурман АЙМАТОВ.***
***Сирдарё тумани.***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 23-бандига кўра, мавжуд иш стажи тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ва корхона, муассаса, ташкилот тўлиқ тугатилганлиги туфайли ёхуд архив маълумотларининг (ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, ҳалокатлар, фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлардан ташқари) мавжуд эмаслиги сабабли уларни олиш имконияти йўқ бўлган ҳолларда меҳнат стажи ариза берувчининг бир корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжалигида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да, фермер хўжалигида ёки бир тизимда ишлаш давомида билган ҳамда улар ариза берувчининг ишини тасдиқлаган давр учун ўз ишлари тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлган камида икки гувоҳнинг кўрсатмалари асосида белгиланиши кўрсатилган.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича белгиланган меҳнат стажи бундай ҳолларда пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган стажнинг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Олти соатлик суҳбат



**Венесуэла президенти Уго Чавес Куба раҳбари Фидель Кастро таклифига биноан мамлакат пойтахти Гаванага ташриф буюрди.**

Хабарларда айтилишича, икки давлат раҳбарлари олти соат мобайнида суҳбатлашишган.

Куба раҳбари ўтган йилнинг июль ойида соғлиғи ёмонлашгани туфайли ўз вазифасини вақтинчалик бажаришни укаси Раул Кастрога топширганди.

Айни пайтда Фидель Кастро ўзини яхши ҳис қилаётганлигини айтган. Бироқ, унинг раҳбарлик фаолиятига қайтиши ҳақида бирор гап-сўз билдирилмаяпти.

## Ҳеч ким жабрланмади



**Кеча тонгда фаластинлик жангарилар Ғазо секторидан Исроил ҳудудига иккита ракета учиришди.**

Маълумотларда келтирилишича, «Кассам» номли ракеталар мамлакатнинг Сдерот шаҳри очиқ майдонларига тушган. Портлашдан жабрланганлар йўқ.

## Ким айбдор?



АҚШ Эронни Афғонистондаги толиб жангариларига қурол етказиб берганликда айбламоқда. Мамлакат давлат котиби ўринбосари Николас Бернс бу ҳақда Парижда бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, Эрон Яқин Шарқдаги радикал ислом ҳаракатларини молиявий таъминлабгина қолмай, қурол-аслаҳалар ҳам етказиб бермоқда.

Ўтган ҳафта эса Эрон ташқи ишлар вазирлиги Буюк Британияни Афғонистондаги террорчи гуруҳларни қўллаб-қувватлаганликда айблаганди.

## Барак — партия етакчиси

**Исроилнинг собиқ бош вазири Ёҳуд Барак лавозимидан кетгач, тижорат билан шуғулланаётган эди. Куни кеча эса у Исроил Меҳнат партияси етакчиси этиб тайинланди.**

**Бу лавозимга мамлакатнинг собиқ жосуслик хизмати раҳбари Ами Айялон даъвогарлик қилаётган эди.**

## Ҳукуматни тарк этди



Фаластин ҳукумати таркибидаги 9 нафар вазир «ХАМАС», 6 нафари эса «ФАТХ» аъзолари эди. Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос билан ўтказилган учрашувда «ФАТХ»дан сайланган вазирлар танг вазиятдан қутулиш учун мамлакатда имкон қадар тезроқ парламент сайловлари ўтказиш кераклигини айтишган.

Сўнгги икки кун ичида бу гуруҳлар орасида келиб чиққан низолар 37 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

«ФАТХ» партиясидан сайланган вазирлар Фаластин ҳукумати таркибидан чиққанликларини билдирдилар. Бундай қарор партия марказий қўмитасининг Рамаллоҳда бўлиб ўтган фавқулодда йиғилишида қабул қилинди.

## 93 миллион адашлар



Хитой раҳбарияти мамлакатда аҳоли фамилиясининг сонини кўпайтиришга мажбур бўлмоқда. Айни дамда аҳолининг 85 фоизи, яъни 1,3 миллиардига жами 100 та фамилия тўғри келади.

Жамият хавфсизлиги вазирлиги келтирган маълумотга кўра, энг машҳур фамилия Ван экан. Бугун мамлакатда 93 млн. киши шундай фамилия билан аталади.

Эндиликда вазирлик ота-оналарга фарзандлари фамилиясини икки хил қўйишга рухсат бермоқчи. Амалдаги қонунга кўра, чақалоққа ота ёки онанинг фамилиясини берилади.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ, ЁНИНГИЗДАМИЗ!

***Бу воқеа бундан беш-олти йил аввал рўй берганди. Кутилмаганда қўшнимизнинг яккаю ёлғиз қизи автоҳалокатга учраб оёғи синди. То шифохонага олиб боришгунча у кўп қон йўқотди. Устига устак, жароҳатлари операциясиз битмас, бунинг учун эса анчагина қон қуйиш керак бўларди.***

***— Шунча қонни қаердан топамиз?***

***Ушбу саволдан эр-хотиннинг боши гангиб қолди.***

**14 июнь — Халқаро Донорлар куни**

Шунда уларнинг жонига шифокорлар оро киришди. Улар Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтига қўнғироқ қилиб, мақсадни айтишлари билан масала ҳал бўлди. Ўша куннинг ўзидаёқ донорлар қон беришди. Операция муваффақиятли ўтди. Бемор тез кунларда соғайиб уйига қайтди. Шундан буён қўшнимиз ҳар гал дуога қўл очганида, албатта, донорларни ҳам алқайди:

— Илоё, бошлари тошдан бўлсин, беминнат кўмакчиларнинг. Мана шундай олийҳиммат инсонлар бор экан, турмушимиз ва жамиятимиз янада гўзаллашиб бораверади. Қилган яхшиликлари биздан қайтмаса, Оллоҳдан қайтсин.

**— Хўш, донорлар ким? Уларнинг вазифаси нималардан иборат? Биз улар ҳақида кўп нарса биламизми?**

— Аввало шуни айтиш керакки, — дейди саволимизга жавобан Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти бўлим мудири, биринчи тоифали шифокор Зоир Саидвалиев, — қон инсон учун сув билан ҳаводай зарур. Донор эса ўз қони ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт эҳтиёжи учун ихтиёрий равишда тақдим этадиган шахс ҳисобланади. Бундай савоб вазифани адо этувчиларни фидойилар деб биламиз. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 14 июнь бутун дунёда Халқаро Донорлар куни деб эълон қилинган. Бунда Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари, Қон донорларини ташкил этувчи ҳамда Қон қуйиш ташкилоти Халқаро Федерацияларининг ҳиссаси катта. Ушбу сана Нобель мукофоти лауреати, АВО қон гуруҳи тизимини кашф этган Карл Ландштейнернинг туғилган кунидир.



Бугунги кунда Ўзбекистондаги даволаш муассасаларида 244 та, бундан ташқари, 16 та алоҳида қон қуйиш станциялари ишлаб турибди. Уларнинг фаолияти халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган. Шу кунларда Осиё Тараққиёт Банки билан ўзаро ҳамкорлик лойиҳаси асосида барча қон қуйиш станцияларини марказлаштириш устида иш олиб борилмоқда.

**— Донорнинг қон топшириш жараёни қандай кечади?**

— Аввало, донор 18 ёшга тўлган ва соғлом бўлиши керак. Унга анкета очилиб, тиббий кўрик натижалари ижобий бўлсагина, қон топширишига рухсат берилади. Бир марталик қон топшириш ҳажми 400 мл.ни ташкил этиб, яна 20 мл.қон лаборатория текширишлари учун олинади. Организм топширилган қон миқдорини 36 соат ичида тиклаб олади.

Статистик маълумотларга кўра, 2006 йилда юртимизда донорлар сони 131132 нафарни ташкил этган. Бу ҳар 1000 нафар кишига 5-6 донор тўғри келишини билдиради. Шифохоналарда қон билан ўтувчи турли инфекцияларнинг олдини олиш мақсадида қон ва унинг таркибий қисмлари ишлатилиши қатъий чегаралангани сабабли донорликнинг камайиши кузатилмоқда.

**— Донорлик қони қай ҳолатларда ишлатилади?**

— Биринчи ҳолатни «тўсатдан» деб номласак тўғри бўлар. Бунга туғиш ва автофалокат пайтидаги қон кетиш каби ҳоллар киради. Иккинчидан, даволаш жараёнида, масалан, саратон касалликларида ишлатилади. Ва учинчиси, фавқулодда вазиятлар: ер қимирлаши, сув тошқини оқибатида кўплаб кишилар жароҳат оладилар. Бундай эҳтиёжлар учун бир йилда 230-250 тоннагача қон тайёрлаш керак бўлади.

**— Маълумки, 2002 йилнинг 30 августида «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида қонунда белгиланган бандлар бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилди?**

— 28 бандни ўз ичига олган ушбу қонун, айтиш мумкинки, донорликни ҳар томонлама ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Қон олиш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш, донорлар ҳуқуқини ҳимоялаш, сафини кенгайтириш ва уларга имтиёзлар бериш, «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирлаш донорлар фаолиятини маълум маънода изчиллаштирди. Шунингдек, ҳар йили деярли барча вилоятларда 14 майдан 14 июнгача «Қон топшириш ойлиги» бўлиб ўтади.

**— Донорликни кўнгилдагидек ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?**

— Биринчи навбатда кучли тарғиботни йўлга қўйиш даркор. Қолаверса, бу вазифа кенг жамоатчиликнинг иши. Чунки донорликнинг ижтимоий аҳамияти катта. У жамиятимизга зарур бўлган ватанпарварлик, сахийлик, инсонийлик, кўнгилчанлик, бағрикенглик, меҳр-шафқат каби хислатларни тарбиялайди. Донорлик соғлом кишиларнинг беморларга нисбатан муруввати, фуқаролик бурчига айлансагина, ҳаммамиз бир овоздан «Хотиржам бўлинг, биз бормиз!» дея оламиз. Бунинг учун давлатимиз ва ҳукуматимиз етарли шарт-шароит яратиб берган. Гап ундан қандай фойдаланишимизда қолган, холос.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА**
**суҳбатлашди.**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти**





**сервер ускуналари, компьютер техникаси етказиб бериш, амалий (прикладной) дастурларни тайёрлаш бўйича тендерда иштирок этиш учун маҳаллий ва хорижий маҳсулот етказиб берувчиларни таклиф этади.**

**Тендер ўтказиш шартлари ва тендер ҳужжатларини қуйидаги манзилдаги ишчи гуруҳидан олиш мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 39-«А» уй.**
**Телефонлар: 133-88-77, 133- 42-71. Факс: 133-66-12.**

**Талабгорларнинг тендерда қатнашиш учун дастлабки малакавий танловдан ўтиш бўйича мурожаатлари эълон чоп этилганидан сўнг 10 кун давомида, тендер таклифлари эса 30 кун давомида, шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.**

856R/1055

## ОИТСга қарши кураш бўйича Марказий Осиё лойиҳаси

Проект по контролю СПИДа в Центральной Азии

### ГРАНТЛАР ДАСТУРИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ (ГРАНТ № IDA H1497C).

Жаҳон банки ва Буюк Британия халқаро ривожланиш агентлиги (DFID) томонидан молиялаштирилган ОИТСга қарши кураш бўйича Марказий Осиё лойиҳаси грантлар дастурининг иккинчи босқичи бошланганлиги ҳақида маълум қилади ва қизиқиш билдирган миллий ва халқаро ташкилотларни грант дастурида иштирок этишга таклиф қилади.

Лойиҳа тўртта давлатга мўлжалланган (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон). Лойиҳанинг асосий мақсади — жамоат, нодавлат ташкилотлари ва хусусий секторнинг миллий ҳамда минтақавий даражадаги имкониятлари ва ҳамкорликларини кучайтириш орқали Марказий Осиё давлатларида ОИВ/ОИТС касаллигини назорат қилишга ҳисса қўшишдан иборат.

Лойиҳа ўз дастурига давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларини ҳамда хусусий сектор томонидан таклиф қилинган миллий ва минтақавий ташаббусларни молиялаштириш мақсадида ташкил қилинган минтақавий ОИТС жамғармасини (МОЖ) киритади.

Минтақавий ОИТС жамғармасида (МОЖ) мавжуд бўлган маблағлар потенциал суб-лойиҳалар таклиф қилган ташаббускор ташкилотларга лойиҳа шартларига кўра грантлар тариқасида танлов асосида татбиқ этилади.

Минтақавий ОИТС жамғармаси суб-лойиҳаларни қуйидаги грант турлари билан молиялаштиради:

- *Кичик грантлар. Миллий нодавлат, давлат ташкилотлари ҳамда хусусий сектор учун мўлжалланган. Фаолият доираси — миллий. Грант қиймати — 20000 АҚШ долларигача.*
- *Секторлараро фаолият учун кичик грантлар. Мувофиқ талабгорлар — ташкилотлар/агентликлар консорциуми, давлат, нодавлат ташкилотлари ва хусусий сектор. Катта грантлар минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳаракат учун ҳам ишлатилиши мумкин. Фаолият доираси — миллий ёки минтақавий (бир давлатдан ортиқ). Грант қиймати — 20000 дан 50000 АҚШ долларигача.*
- *Катта грантлар. Марказий Осиёда фаолият кўрсатувчи миллий, минтақавий ва халқаро нодавлат ташкилотлари ҳамда давлат ташкилотлари ва хусусий сектор учун мўлжалланган. Фаолият доираси — минтақавий (бир давлатдан ортиқ). Грант қиймати — 50000 АҚШ долларидан ортиқ, МОЖнинг 10% ғача ёки 1,5 млн. АҚШ долларигача.*

Қизиқиш билдирган ташкилотлар лойиҳа концепцияси ва талаб қилинадиган маблағлар миқдори кўрсатилган қисқа маълумотни сақловчи хатни юбориши мумкин.

Қизиқиш хатини **www.caap.info** лойиҳа сайтида тўлдириш керак.

Кичик грантлар бўйича қизиқиш хатини лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий координаторга қуйидаги манзилга: **100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-уйга ёки электрон почта орқали: akmal.makhamatov@gmail.com** «грантлар дастурининг 2-босқичи» белгиси билан юбориш лозим.

Катта грантлар бўйича қизиқиш хатини лойиҳанинг иккинчи компоненти координатори ж-б Қодиров З.З.га қуйидаги манзилга юбориш мумкин: 050000, Қозоғистон Республикаси, Алмати шаҳри, Кунаев кўчаси, 86-уйга ёки электрон почта орқали: **zkadirov@caap.info.** Қизиқиш хатини тақдим қилишнинг охирги муддати — 2007 йил 30 июнь. МОЖ ва грантлар дастурининг иккинчи босқичи ҳақида тўлиқ маълумотни **www.caap.info** лойиҳа сайтидан олиш мумкин.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги **Реклама** — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

*Ҳурматли юртдошлар!*
*Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки сизларга пластик карточка — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!*

**«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ БУ —**

ASAKA BANK

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 14%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.




**БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**Миллий валютадаги омонатлар**

| | |
|---|---|
| «Саломатлик — 2007» | йиллик 21% |
| 6 ойдан 1 йилгача | йиллик 17% |
| 1 йилдан 3 йилгача | йиллик 17% |
| 3 йилдан 5 йилгача | йиллик 17% |
| «Таътил — 2007» | йиллик 24% |
| «Умид» | йиллик 18% |
| «Юбилейный» | йиллик 18% |
| «Олтин куз» | йиллик 18% |
| «Харидор» | йиллик 12% |
| «Ипотека» | йиллик 10,5% |
| «Саховат» | йиллик 18% |
| «Соғлом келажак» | йиллик 18% |
| «Табассум» | йиллик 18% |

**Хорижий валютадаги омонатлар**

**АҚШ доллари**

| | |
|---|---|
| 6 ойга (энг ками 3000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 9,0% |
| 6 ойдан 1 йилгача (энг ками 1000 дан 2000 АҚШ долларигача) | йиллик 6,0% |
| 6 ойдан 1 йилгача (энг ками 2000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 7,0% |
| 6 ойга (энг ками 2000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 8,0% |
| 1 йилга (энг ками 5000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 9,0% |

**Евро**

| | |
|---|---|
| 1 йил (энг ками 300 евро ва юқори) | йиллик 3,0% |
| 1 йилдан юқори (энг ками 1000 дан 5000 еврогача) | йиллик 4,0% |
| 1 йилдан юқори (энг ками 5000 евро ва юқори) | йиллик 4,5% |

**Маълумот учун телефонлар: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26.**

BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
*Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали*
МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.



Маҳсулот сертификатланган

KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-75, 361-40-90.
Факс 361-40-33. Сайт: www.uzkam.com

# ИСТИҚЛОЛ КАШФ ЭТГАН ИСТЕЪДОД

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Эсимни танибманки, мусиқага ошноман, — дейди Гулруҳ. — Айниқса, отамнинг миллий созларга меҳри баланд эканлиги болалик чоғимданоқ мени ўзига асир этган. У киши биз, фарзандларини мусиқага шайдо этиш мақсадида турли созларни чалишга ўргатардилар. Бўш қолдик дегунча, отам дутор ва танбурда куй чалиб берардилар. Умуман, уйимизда ҳар доим санъатга қизиқиш кучли эди.

Оиладаги муҳит фарзанд тарбиясига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, мусиқага ошнолик Гулруҳнинг қалбида созандаликка кучли ҳавас уйғотди. Шу пайтга қадар отасининг соз чалишини кузатадиган қизалоқ, кейинчалик ўзи ҳам мустақил ҳаракат қила бошлади. Бирор созни қўлига олиб, куй чалмаса, тинч туролмайдиган бўлиб қолди. Қизининг бундай лаёқатини пайқаган ота уни Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаров ҳузурига олиб боради. Устоз санъаткор эса Гулруҳни синаб кўргач, ёшгина қизалоқнинг мустақил тарзда мусиқа ёза олишдек ноёб қобилиятини сезиб қолади. Ва шундан сўнг унга меҳр-муҳаббат ила мусиқа сирларини ўргата бошлайди. Ёш қиздаги интилувчанлик унинг меҳнатларини юзага чиқара бошлади: 1994 йилда Москвада бўлиб ўтган "Ёш мусиқачилар учрашув куни" фестивали лауреати, 1999 йилда эса XV Республика пианиночилар танловида биринчи ўрин ва лауреатликни қўлга киритиб, Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинди.

АҚШнинг Луизиана штатида ўтказилган **"Nena Wideman"** 50-халқаро пианиночилар танловида у бронза медали соҳибасига айланди. 2004 йилдан бошлаб АҚШдаги **Park University** Халқаро мусиқа марказида 2 йиллик таълим олиш ҳуқуқини берувчи грант асосида ўқиш даврида Гулруҳ хориж мактабларида концертлар бериб, чет эллик ёшларни ўзбек маданияти ва тарихи билан таништирди. Жами 20 та концерт дастури уюштирди. Пировардида Луизиана Штатининг Халқаро алоқалар Кенгаши ва **Park University** томонидан халқларнинг ўзаро муносабатига қўшган ҳиссаси учун миннатдорчилик сертификати билан тақдирланди.

*Гулруҳ етук ўзбек бастакорларининг асарлари қатори жаҳон мусиқа санъати дарғалари И.Бах, Л.Бетховен, Ф.Лист, С.Прокофьев, М.Равель, Ф.Шопен асарларини маромига етказиб ижро этади. Шунингдек...*

— Бадиий асарларни севиб ўқийман, — дейди у. — Айниқса, мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарини қайта-қайта мутолаа қиламан.

Суҳбатимиз мавзуси бадиий асарга бориб тақалар экан, Толихбек ака қизиқ бир гапни айтиб қолди. Гулруҳ хорижда бўлган вақтида китоб мутолаасига кўп берилади. Шунда унинг кўп ҳамроҳлари: "Қўлингдаги кимнинг асари?" деб сўрашади.




Гулруҳ уларга Шекспир асарлари сайланмасининг кўҳна инглиз тилидаги нусхасини кўрсатганида, тенгдошлари ҳайратларини яширолмайдилар. Ахир, бу асарни Шекспир замонасига оид инглизчада ўқишнинг ўзи бўлмайди.

Демак, Гулруҳдаги ноёб истеъдоднинг шаклланишида китобнинг ҳам ўрни беқиёс. Мутолаа ва мусиқага ошнолик унинг зеҳнини қайраши аниқ.



Дарвоқе, Г. Шокирова бастакорлик фаолияти йўналишларида ўзининг қирқдан ортиқ мусиқий асарига эга. Бу йил ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этилган "Ниҳол" мукофотига Гулруҳ Шокирова номзоди ҳам тавсия қилинди. Ўзбекистон давлат консерваторияси магистратурасини битираётган истеъдод соҳибининг ниятлари кўп.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

## Ғолиблар Буюк Британияга боради

***Наманганда кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланди.***

Унда Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Андижон ва Наманган вилояти ёшлари баҳсларга қизғин тайёргарлик кўрганлигини намойиш этишди.

Мусобақа якунида Азизбек Ражабов (Бухоро), Илёс Рустамов (Наманган), Абдулазиз Халилов (Фарғона), Баҳром Ҳамдамов (Андижон), Акмал Рўзимуродов (Тошкент), Кристина Ковалёва (Тошкент), Кутбинисо Зоирова (Сурхондарё), Хуршида Лутфиддинова(Фарғона)лар ғолиблар сафидан жой олишди.

— Чемпионатда сараланган полвонлар келгуси йилнинг февраль ойида Буюк Британияда ўтадиган Ислом Каримов халқаро турнири ҳамда ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон биринчилигида ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади, — дейди Ўзбекистон кураш федерацияси бош котиби Т. Рўзиев.

**Н. ҚУДРАТОВ.**

***Самарқандлик талаба-спортчилар ўз шаҳарларида ўтказилган "Универсиада — 2004" мусобақаларида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритгандилар. Спортнинг волейбол, кураш, белбоғли кураш, стол тенниси турлари бўйича вилоят вакиллари шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишганди.***

## Юксак натижаларни кўзлаяпмиз

Вилоят спортчилари яна саноқли кунлардан сўнг Тошкентда бошланадиган "Универсиада — 2007" мусобақаларида ҳам олдиларига катта мақсадларни қўйишган. Самарқанд шаҳридаги замонавий спорт заллари, майдонлари улар ихтиёрига бериб қўйилган.

— Икки универсиада оралиғида кўпгина талаба-спортчиларимиз республика ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, маҳоратларини оширдилар, — дейди Самарқанд давлат университетининг жисмоний маданият факультети декани Жўрақул Эшназаров. — Ҳозир вилоятимиз терма жамоаси тажрибали мураббийлар қўли остида сўнгги ўқув-йиғин машғулотларида қатнашмоқдалар. Насиб этса, бу сафарги мусобақаларда ҳам юксак натижаларга эришамиз.

**Адҳам ҲАЙИТОВ.**


## «Крокус Газ Сервис» ҚК
### (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**




WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT (WIUT) | University of Westminster

## 2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Тошкент Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) Буюк Британиянинг илғор олий таълим тажрибасини ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиёдаги ягона ўқув юртидир. Университет талабаларга Лондондаги Вестминстер университетининг бакалавр ўқув дастури асосида таълим беради ва ўқиш тамомланганида Лондондаги Вестминстер университетининг дипломлари топширилади.**

**Университет талабаларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:**

**УМУМТАЪЛИМ КУРСИ — 1 курс.**
Бу курсда талабалар халқаро таълим тизимида керак бўладиган бошланғич билим ва тажрибага эга бўладилар. Биринчи курсни тугатгандан кейин бериладиган сертификат талабаларнинг Лондондаги Вестминстер университетида ёки чет элнинг бошқа университетларида бакалавр курсларида таҳсил олишни давом эттиришига имкон беради.

**БАКАЛАВРИАТ дастури бўйича:**
**БИЗНЕС**
**ИҚТИСОД**
**ТИЖОРИЙ ҲУҚУҚ**
**БИЗНЕСДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Ушбу йўналишлар олти ўқув семестридан иборат бўлиб, курсларни муваффақиятли битирганларга бакалавр дипломи берилади.

**Абитуриентларни қабул қилиш шартлари**

Абитуриентлар қуйидаги билимларга эга бўлишлари лозим:

- Инглиз тили — IELTS бўйича:
  - *биринчи курсга кириш учун камида 5.5 балл (ёзма қисмидан энг камида 5.0 балл);*
  - *иккинчи курсга кириш учун камида 6.0 балл (ёзма қисмидан энг камида 6.0 балл);*
  - *иккинчи курс тижорий ҳуқуқ факультетига кириш учун камида 6.5 балл (ёзма бўлимидан энг камида 6.0 балл)га эга бўлиш керак.*

Тўлов-шартнома асосида ўқимоқчи бўлган абитуриентлар TOEFL сертификатини топширишлари мумкин ва бу баллар университет томонидан тасдиқланган жадвал асосида IELTS балларига ўтказилади.

Тўлиқ маълумот учун университетга мурожаат қилинг.

- Математика — абитуриентлар Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг математика бўйича (Лондондаги Вестминстер университети томонидан тасдиқланган) кириш имтиҳонини топширишлари керак.
- 1-курсга ҳужжат топширган абитуриентнинг ёши биринчи ўқув йили давомида камида 17да бўлиши лозим.
- Бакалавр курсига (2-курс) ҳужжат топширган абитуриентнинг ёши биринчи ўқув йили давомида камида 18 да бўлиши лозим (олий ўқув юртининг биринчи курс рейтинг кўрсаткичи 70% дан кам бўлмаслиги керак).

**Грант**

- Университет гранти учун 40 та жой ажратилган.
- Фақатгина 1-курсга кирувчи талабалар тўрт йил давомида грантга мушарраф бўладилар.
- Грантга кирмоқчи бўлган абитуриентлар фақат IELTS сертификатини топширишлари шарт (TOEFL сертификатлари фақат тўлов-шартнома асосида ўқимоқчи бўлган абитуриентлардан қабул қилиниши мумкин).
- Тошкент Халқаро Вестминстер университети кириш грант-тести ҳамда IELTS тестидан энг юқори натижага эришган талабаларгина грант совриндори бўла оладилар.
- Грант фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

**Бошқа маълумотлар**

- Ўқиш давомида йигитлар ҳарбий тайёргарлик курсларига синов натижалари бўйича қабул қилинадилар.
- Вилоятлардан келган талабалар ётоқхона ва Тошкентда вақтинча яшаш ҳуқуқини берувчи қайднома билан таъминланадилар.
- Университет Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган, кам таъминланган оилаларда яшовчи талабаларнинг темир йўл транспорти (ёки автобус) сафар харажатларини қоплайди. Бунинг учун маҳаллий бошқарув идоралари томонидан оила даромади кўрсатилган ва туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган маълумотнома ва йўл чиптаси тақдим этилиши лозим.

**Аризаларни қабул қилиш ва кириш имтиҳонлари тартиби**

- 2007-2008 ўқув йилига кириш учун талаба махсус аризани тўлдириб, университет ўқув бўлимига топшириши лозим. Махсус ариза шаклини университетдан олиш мумкин.
- Тўлдирилган аризаларни қабул комиссиясига топшириш муддати:
  - *тўлов-шартнома асосида ўқимоқчи бўлган абитуриентлар учун — 2007 йилнинг 11 сентябригача ( математикадан кириш имтиҳонлари: 11 июль, 8 август, 12 сентябрь; IELTS — 8 сентябрдан кеч бўлмаслиги керак);*
  - *грантга топшираётган талабалар учун 2007 йилнинг 28 июни грант-тестига аризалар қабул қилишнинг сўнгги куни ҳисобланади. Грант-тест 3, 4, 5 июль кунлари; IELTS сертификати 15 августдан кеч топширилмаслиги керак, IELTSнинг охирги имтиҳон куни — 21 июль.*
- Имтиҳондан муваффақиятли ўтган абитуриентлар қолган ҳужжатларни 25 сентябргача, яъни расмий ўқиш бошланиши кунигача топширишлари лозим. Топширилиши керак бўлган ҳужжатлар: ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома (аттестат), II курсга топширувчилар учун рейтинг дафтарчасининг нусхаси; 8 та фотосурат (3x4); 086 шаклидаги тиббий маълумотнома; паспорт нусхаси; ҳарбий гувоҳнома (йигитлар учун).



**Қабул комиссиясининг иш соатлари:**
**душанба-жума кунлари соат 10.00 дан 13.00 гача ва соат 14.00 дан 17.00 гача.**

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 12-уй. Телефонлар: +(99871) 132-27-74, 138-74-74.
Интернет саҳифаси: www.wiut.uz Электрон почта: advice@wiut.uz

838R/1027

## МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

## МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

Маҳсулот сертификатланган

**Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**

## «SITWET INVEST» ҚК

**Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.**

**Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва омборда мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни сотишдир:**

- ***фермер ва деҳқонлар ишлатадиган, пиёз, карам ва бошқа сабзавотларни солиш учун мўлжалланган 80 сантиметрлик тўр қоплар;***
- ***фермер ва деҳқонлар учун хўжаликлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат);***
- ***сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);***
- ***юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).***

*Маҳсулотлар сертификатланган.*
*Меҳнат ҳақи — келишилган ҳолда.*

Телефонлар: 135-09-28, 142-50-34.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Лабзак» даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-«Б» уй.


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти жамоаси институт лойиҳа раҳбари Анвар Эминовга падари бузруквори

**ҒОФУРЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Малака ошириш факультети декани

**Ҳамид Ҳасанович ТИЛЛАШЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.50 23456